


Тарихдаги энг кучли узр



14:00 / 13.03.2023 3839

Абу Зарр розияллоху анху Билол розияллоху анхуга: «Ҳатто сен ҳам менинг гапимни хато санаяпсанми, эй қора хотиннинг ўғли», дедилар. Билол розияллоху анху ғазабланган ҳолда ўринларидан туриб: «Аллоҳга қасамки, сенинг айтган гапингни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга етказаман», деб кетиб қолдилар. Бу гапни эшитган Расули Акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг ғазабдан юзлари ўзгарди.

Сўнг: «Эй Абу Зарр, уни онаси билан айбладингми? Сен ичида жоҳилият сарқити бор киши экансан», деб марҳамат қилдилар.

Бу гапни эшитган Абу Зарр розияллоху анху йиғладилар ва: «Эй Аллоҳнинг Расули менинг ҳақимга истиғфор айтинг», деб илтимос қилдилар-да,

Йиғлаган ҳолда масжиддан чиқдилар.

Билол розияллоҳу анҳунинг олдиларига бориб, юзларини тупроққа қўйдилар ва: «Аллоҳга қасамки эй Билол, токи оёқларинг билан юзимни босмагунингча, уни ердан кўтармайман. Сен олийжанобсан. Мен эса жоҳил, хор бўлган инсонман», дедилар.

Бу гапни эшитган Билол розияллоҳу анҳу йиғлай бошладилар, Абу Заррга яқинлашиб ерга тегиб турган яноқларидан ўпдилар.

«Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳга бир марта сажда қилган юзни ҳеч қачон босмайман», дедилар. Икковлари ўринларидан туриб, бир-бирларини бағриларига босиб йиғладилар.

Бугун биз, бир-биримизга ўн марталаб ёмонлик қилсак ҳам «Узр биродар», «Узр синглим» демаяпмиз.

Бир-биримизнинг ақийдамызга, қалбимизга, энг қадрли нарсамизга жароҳат етказиб қўйсак ҳам «Мени кечиринг» дейиш хаёлимизга келмаяпти. «Афсусдаман, узр» дейишга хижолат бўляпмиз. Узр сўраш юксак маданият ва улкан хулқдир. Баъзилар эса уни нафсни хорлаш деб ўйлашади. Ҳаммамиз ҳам бу дунёдан кетамиз, сафар озукамиз эса жуда оз. Шундай экан, бир-биримизга озор бериб, қалбларни парчалаб, гуноҳ кўпайтиришни эмас, балки солиҳ амалларни бажариб, савоб кўпайтириш пайдан бўлайлик.

Аллоҳ таолодан дунё ва охиратда афв ва офият сўраймиз. Манба: «Ал Мутанаббий» саҳифасидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси
Хуршид Маъруф тайёрлади